

**ӨЗБЕКСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ  
ЖОҚАРЫ ҲӘМ ОРТА АРНАҮЛЫ  
БИЛИМЛЕНДИРИҮ  
МИНИСТРЛИГИ**



**ӘЖИНИЯЗ АТЫНДАҒЫ  
НӘКІС МӘМЛЕКЕТЛІК  
ПЕДАГОГИКАЛЫҚ ИНСТИТУТЫ  
ҚАРАҚАЛПАҚ ӘДЕБИЯТЫ  
КАФЕДРАСЫ**



**«ТҮРКИЙ ХАЛЫҚЛАРЫ ФОЛЬКЛОРЫ ҲӘМ  
ӘДЕБИЯТЫ ТАРИХЫ ИЗЕРТЛЕНИЙИНІҢ  
ӘХМİЙЕТЛИ МӘСЕЛЕЛЕРИ»**

**АТАМАСЫНДАҒЫ ONLINE ХАЛЫҚАРАЛЫҚ  
ИЛИМИЙ-ТЕОРИЯЛЫҚ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРЫ**

**27-28-may  
2020-jыл**

УДК 821.51  
ББК 82.3 (5узб) 5кк  
Т-88

«Туркий халықлар фольклоры ҳәм әдебияты тарийхы изертлеүиниң әхмийетли мәселелери» атамасындағы халықаралық көлемде online илимий-теориялық конференция МАТЕРИАЛЛАРЫ. Нөкис: НМПИ баспасы, 2020. -442 бет

«Туркий халықлар фольклоры ҳәм әдебияты тарийхы изертлеүиниң әхмийетли мәселелери» атамасындағы халықаралық көлемде online илимий-теориялық конференция материалларына Туркия, Россия, Татарстан, Башқортостан, Қазақстан ҳәм Өзбекстан мамлекетлерниң жоқары ҳәм орта арнаўлы оқыў орынлары педагог-хызметкерлери, Илим изертлеу институтларының үлкен илимий хызметкерлери, магистрантлар, студентлер ҳәм улыўма билим бериў мектеплери баслауыш тәlim мугаллимлери ҳәм методика пәнин оқытыўдың актуаль мәселелерине арналған илимий баянатлары киргизилген.

Жуўаплы илимий редактор:

Алламбергенов К. ф.и.д., проф  
Бекбергенова М. ф. и. к., доц.

Редколлегия ағзалары:

Курамбаев К. ф.и.д., проф.  
Ибрагимов Ю. ф.и.д., проф.  
Рақымжан Тұрысбек. ф.и.д., проф.( Қазақстан)  
Мингазова Л.И. ф.и.д., проф.( Татарстан)  
Валиева М.Р. ф. и. к.(Башқортостан)  
Каюмова Г.Ф. ф. и. к., доц. (Татарстан)  
Бекбергенова М. ф. и. к., доц.  
Давлетов Б. ф. и. к., доц.  
Алланазаров Е. ф. и. к.  
Пирниязова А. ф. и. к., доц.  
Ташанов К. ф. и. к., доц.  
Юлдашева Ш. ф. и. к., доц.  
Матякубов С. ф. и. к., доц.  
Куттымуратова Ы. (PhD)  
Тортқұлбаева Т. (PhD)  
Сапаева Ф. (PhD)  
Мәмбетов К. (PhD)

Баспаға таярлаған:

Бекбергенова М. ф.и.к., доц.  
Жаксылыкова А.

**Топлам Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекеттік педагогикалық институтының  
Илимий-оқыў-методикалық Кеңеси ( 2020-жыл, 20-апрель 9-санлы баянлама)  
қарапы менен баспадан шығарылуға усыныс етилди.**

Конференция материалларының мазмұны ҳәм дұрыслығына хәр бир автор ҳәм илимий басшы жуўапкер, шөлкемлестириушілер мағлыуматлардың дұрыслығына жуўап бермейди.

# **МУМТОЗ ҚОФИЯГА ОИД БАДИЙ САНЬАТЛАР ТАДҚИҚИ**

**Хамроева Орзигул Жалоловна**

*ТошДҮТАУ, филология фанлари бүйича фалсафа доктори (PhD)*

**Аннотация:** «Бадойи ус-санойи» Атуллы Хуссейни – один из важнейших трактатов по теоретическим основам классической поэзии. Брошюра дает глубокий анализ искусства. Статья исследует искусство классической рифмы в брошюре.

**Ключевые слова:** поэтика, брошюра, наука Сегона (Троица наук), вес сна, рифма, виды рифмы

## **A STUDY OF THE ART OF CLASSICAL RHYME**

**Annotation:** Atoullah Husseini's Badoyi us-sanoyi is one of the most important treatises on the theoretical foundations of classical poetry. The pamphlet provides an in-depth analysis of the arts. The article explores the art of classical rhyme in the pamphlet.

**Key words:** *poetry, brochure, “ilmi segona” (the trio of sciences), aruz, rhyme, the types of rhyme*

Мумтоз поэтиканинг таркибий қисмларидан бадойиъ ус-санойиъ араб фасоҳатида нутқ гўзалликларини ифода қилиш мақсади билан махсус илм сифатида юзага келди. Балоғат фанларининг иккинчи наъви сифатида шаклланган бу илм кейинчалик мумтоз поэтиканинг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатида шаклланди. Атоуллоҳ Ҳусайнининг таъкидлашича, балоғат фанларининг биринчи навъи зотий гўзалликлардир, яъни бу гўзаллик табиий ҳуснга монанд, бу илмлар маоний илми ва иккинчиси баён илмидир. Бадиъ илми бу икки илмга тобе илм бўлиб, ажам шоирлари ташбих, истиора, киноя каби машхур ва кўп учрайдиган зотий гўзалликлар билан оразий гўзалликларни ўзаро қўшган ҳолда бу илмни шакллантиришган. Балоғат фанлари ва кейинчалик мумтоз поэтиканинг муҳим таркибий қисмига айланган бадиий санъатларга бағишлиланган рисолалар араб ва форс адабиётида яратила бошланди. Араб мумтоз поэтикасида Абдуллоҳ ибн Мұтаззнинг “Китоб ул-бадиъ”, Наср бинни Ҳасаннинг “Маҳосин ул-калом”, Қудама ибн Жаъфарнинг “Накд уш-шеър”, Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг “Мафотиҳ ул-улум”, Юсуф Саккокийнинг “Мифтоҳ ул-улум”, Абдул Қаҳир Журжонийнинг “Китоби асрор ул-балоға”, форс тилида яратилган Умур Родиёнийнинг “Таржимон ул-балоға”, Рашидиддин Вотвотнинг “Ҳадойиқ ус-сехр”, Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Бадойиъ ус-санойиъ”, туркий тилда яратилган Аҳмад Тарзийнинг “Фунун ул-балоға” асарларида илми бадеъ етарлича тадқиқ этилган. Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Бадойиъ ус-санойиъ” асари бу илмнинг тадқиқига бағишлиланган муҳим рисолалардан биридир. Форс тилида яратилган ушбу рисолада бадиий санъатлар лафзий, маъновий, ва маъно ва лафзга бирдек хизмат қиласиган бадиий санъатлар каби турларга ажратилган ҳолда тадқиқ қилинган. Муаллиф рисолани яратиш чоғида ўзигача яратилган бадиий санъатларга оид рисолаларни бирма-бир ўрганиб, таҳлил қилиб чиқсан, бадиий санъатларни изоҳлаш чоғида уларга мурожаат қилган. Бадиий санъатларга оид

маълумотларни “Мифтоҳ ул улум”, “Ҳадойиқ ус-сехр”, “Тибён ул-баён” каби поэтикага илмига бағишланган асарлардаги маълумотлар билан таққослаган ҳолда муносабат билдиради. Асар сўзбошисида муаллиф Яратгандан мадад сўраган ҳолда, агар карам соҳиби карам айласа, “Такмилу-с-синоъа” китоби ёзилишини ва унда шеърнинг жами фунуни муфассалу мукаммал баён этилишини аён қилиб, илми бадеъга оид мукаммал китоб яратишни ният қилганини келтирилади. Асарнинг бошланғич қисмида аruz вазни, зиҳофлар, баҳрлар борасида кичик тадқиқот келтирилиб, бадиий санъатлар таҳлилига ўтилади. “Бадойиъ ус-санойиъ” асарида “Лафзий гўзалликлар ўшул хукмдафи ва хат сувратига тааллуклуғ гўзалликлар баёнида”, “Маънавий гўзалликлар баёнида”, “Маънавий гўзалликларнинг иккинчи навъи”, “Араб фусаҳоси қалом гўзалликларидин ҳисобламаған ном қўймаған ва ажам шуароси ул жумладин ҳисоблаған нималар баёнида”, “Лафзию маънавий гўзалликлар, яъни ул санъатлар баёнидаким сўзда аларнинг йифиндиси хуснға боис бўлур, гарчи хусндорлиқ бу икковининг бирида иккинчисиға нисбатан кўпроқ бўлса ҳам”, “Мазкур умумий айблар зикринда”, “Маъноға тақалғуси айблар”, “Шуаро орасинда амалда бўлған баёнға муҳтож бўлған баъзи алфоз баёнида” сарлавҳалар остида бадиий санъатлар таҳлил қилинганди.

Шарқ мумтоз поэтикаси З таркибий қисм: илми аruz, илми қофия ва илми бадеъни ўз ичига олади. Бу уч илм мумтоз поэтиканинг муҳим илмларидан бўлиб, ўзаро бир-бирига боғлиқ. Хусусан, қофиянинг вазний турлари аruz илми билан, мумтоз қофияга асосланадиган бадиий санъатлар бевосита илми қофия билан боғлиқ. “Бадойиъ ус-санойиъ” илми бадеъга бағишланган рисола бўлса-да, унда қофия илми билан боғлиқ, қофиянинг назарий асосларига таянадиган бадиий санъатлар таснифи анчагина. Асар лафзий санъатлар таснифи билан бошланади. Бадиий санъатларга оид деярли барча рисолаларда уларнинг таснифи *тарсіъ* санъати билан бошланади. Маълумки, тарсіъ байт мисраларида барча сўзларнинг ўзаро қофия ва вазн жиҳатидан мос тушишига асосланган санъатдир. Баъзи араб олимлари бу санъатни сажънинг тури сифатида баҳолашади ва уни тажнисли тарсіъ санъатининг баёнида келтиришади. Атоуллоҳ Ҳусайнин бошқа форс тилида яратилган рисолалар сингари тарсіъ санъатини ибтидо санъат сифатида асарнинг бошланғичида келтиради.

*Зи рўяши мунфаъили гулҳо, фитода бўстон дарҳам,  
Ба қўяши муттасили дилҳо кушиода, дўстон ҳуррам.*

Эътибор берилса, мисралардаги ҳар бир сўз ўзаро қофиядош. Тарсіъ санъатида қофиянинг ҳар доим ҳам тўла мос тушмаслиги ҳолати учрайди. Бу ҳолат қофия илмидаги уюби қофиядаги баъзи ҳодисаларга дахлдор. Хусусан, баъзан мисралардаги сўзлар айнан қофиядош бўлмай, кўмакчи ёки радифнинг такорори оҳангдошликини юзага келтириши мумкин. Бу ҳолат қофия илми назариясида таъкидланган. Мисраларда айни ҳолат учраса-да, фан арбоблари буни тарсіъ санъатига мисол сифатида тан олишади.

*Кас фиристод ба сатр андар айём маро,  
Ки, макун ёд ба шеър андар бисёр маро.*

Баъзи ўринларда қофия туфайли вазнда ихтилофлар кузатилиши мумкин, бундай ҳолатнинг ҳам тарсий санъати қонуниятига зид эмас. Атоуллоҳ Ҳусайнин қофия талаби билан вазннинг бузилиши ҳолати акс этган парчаларни Рашидиддин Вотвотнинг қасидаси мисолида тушунтиради.

*Эй, мунаққар ба ту нүжум-и жалол,  
Вей, муқаррар ба ту русум-и камол.  
Бўстоне-ст садр-и ту зи наъим,  
В-осмоне-ст қадр-и ту зи жалол.*

“Ҳадойик ус-сехр”да келтирилишича, муаллифнинг ушбу қасидаси бошдан-оёқ тарсий санъатига асосланган мусарраъ қасидадир.

Қофияга асосланадиган санъатлардан яна бири *сажъ*дир. Араб олимларнинг кўпчилиги сажъни насрдаги қофия сифатида баҳолашади, бироқ баъзи олимлар сажъ назмга ҳам, насрга ҳам бирдек алоқадор эканлигини таъкидлашади. Юсуф Саккокий “Мифтоҳ ул-улум” асарида сажъ “наср бўлаклари охиридағи сўзлар шеърдағи қофия каби” бўлишини айтади.

Дўстон, вафое надидам, ҳар замон жафое қашидам.

Атоуллоҳ Ҳусайнин сажънинг 3 тури: сажъ-и мутавозий, сажъ-и мутарраф ва тарсий каби турлари борлигини эътироф этади, уларни бирма-бир изоҳлайди, байтлар мисолида тушунтиради. Табиийки, бу ўринда сажъ санъати борасидаги ихтилофий қарашлар каби унинг турлари борасида ҳам олимлар орасида фикрий айричалик кўзга ташланади. Ҳусусан, баъзи олимлар сажънинг факат насрга оидлигини таъкидлаб, тарсийни алоҳида санъат сифатида баҳолашади. Баъзи олимлар эса тарсийни сажънинг бир тури сифатида эътироф этадилар.

Қофияга асосланадиган бадиий санъатлардан бири *таштир* бўлиб, “Бадойиъ ус-санойиъ” асарида бу каби байт мисраларининг бўлакларга ажралган қофияга асосланадиган санъатлар таснифи талайгина. Таштир мисрани икки бўлакка ўзаро қофиядош бўлиб бўлинишига асосланадиган санъат туридир.

*Будам аз ишқи ту зор-у гаштам аз ҳажрат низор,  
Як раҳ аз бахри худо // бихром эй маҳ суйи мо.*

Бу мусажжаълик ҳолати икки мисрада зоҳир бўлса ҳам, уларнинг бир-бирига алоқаси бўлмай, ўзаро мустақил қофияланадилар.

*Зи жаври ҳабиб, // жафойи рақиб,  
Дилам шуд фигор, // танам шуд зор*

**Тажзия** санъати ҳам байт мисраларининг ички қофиядошлигига асосланадиган бадиий санъатлардан биридир. Тажзиянинг таштир санъатидан фарқи шундаки, биринчи мисра ярмининг иккинчи мисра ярми билан мусажжаъ ҳолатида бўлишига асосланади.

*Чу рафтый нигоро, надорам зо ҳажр,  
Ба тан ҳеч ёро, ба дил ҳеч сабр.*

Мисрадаги ҳажр – сабр қофиядош сўзлари асосий қофия бўлиб, мисра ўртасидаги нигоро – ёро сўзлари ўзаро ички қофияга асосланадиган тажзия санъатини юзга келтирган.

“Бадойиъ ус-санойиъ” асарида **тасмит** ҳам лафзий санъатлардан бири сифатида келтирилади. Бунда Атоуллоҳ Ҳусайнин мураббаба, мухаммас, мусаддас, мусабба, мусамман каби шеър шаклларининг бандлараро қофияланишини келтиради. Масалан, мураббаба шеър шаклида уч миранинг ўзаро қофияланиб, 4-мисра бандларни боғлаб турувчи асосий қофия сифатида келиши байтлар мисолида кўрсатилади.

Аз оташи ғам сўхтам, гар ба *нигоҳе*,  
Ин ғамзадаро шод куний нест *гуноҳе*,  
Мурдам зи ғами ҳажр, худороки, чу *може*  
Бинмой шабе рўю халосам кун аз ин *ғам!*

Рашидиддин Вотвот эса тасмит санъатини бир байтни 4 teng бўлаккка бўлиб, уч бўлагини ўзаро бир қофия атрофида бирлаштириб, тўртинчи бўлакда асосий қофия келтирилишига асосланадиган санъат сифатида таърифлайди. Бундай шеърни мусажжаш деб ҳам аташларини таъкидлайди.

Рабъ аз дилам *пурхун кунам* // хоки диман *гулгун кунам*, //  
Атлолро *Жайхун кунам* // аз оби чашми хештан.

Байтлардаги мисраларнинг ўзаро ички қофияга асосланиши асосида юзага чиқадиган бадиий санъатлардан яна бири **ташриъ** санъатидир. Баъзи олимлар уни **ташриҳ**, **зулқофиятайн** ҳам дейдилар. Бу санъатнинг ўзига хослиги шундаки, шоирлар шеърни икки ёки ундан ортиқ қофия асосида тузадилар, уларнинг ҳар бирида тўхталинса ҳам, янги байт ҳосил бўалди, шеърнинг моҳияти бузилмайди.

Чу куний бағолат гузаре *сўйи мо*,  
Бинишин қадаре, руҳи худ *бинамо*.

Ҳама кас дилу жон бидеҳадки хўрад,  
Зи лабат шакаре, бирасон *ҳамаро*.

Санамо, зи суккони дарат чу мане,  
Набувад дигаре ба ту аз *вафо*.

Ушбу шеър мутадорики мусаммани маҳбун вазнида ёзилган, рукилар саккиз маротаба фаилун/фаилун/фаилун/фаилун шаклида келган. Асосий қофия: *сўйи мо* – *бинамо* – *ҳамаро* – *вафо*. Агар биринчи қофияда тўхталинадиган бўлса, мусаддас шаклга эга бўлади, яъни мисра сўнгидаги бир руки (фаилун) кейинги мисранинг бошига ўтказилади:

Чу куни бағолат *гузаре*,  
Сўйи мо, бинишин *қадаре*.

Ҳама кас дилу жон бидеҳад,  
Ки, хўрад зи лабат *шакаре*.

Санамо зи суккони дарат,  
Чу мане набувад *дигаре*.

Мусаддас шаклдаги байтларни бирлаштириб турувчи асосий қофиялар сифатида эса *гузаре* – *қадаре* – *шакаре* – *дигаре* сўзлари келтирилган. Бу каби санъатнинг ўзига хослиги шундаки, тушиб қолган бўлаклар йифилса, ўша баҳрдаги байт ҳосил бўлади. Атоуллоҳ Ҳусайнин буни ихтиро сифатида баҳолайди. Юқоридаги байтларда тушиб қолган бўлакларни бирлаштирамиз:

*Руҳи худ бигушо бирасон,  
Ҳамаро ба навоз-и вафо.*

Атоуллоҳ Ҳусайнин бу санъат турини **тафлиқу талфиқ** деб номлашни таклиф қиласди. Чунки “тафлиқ” сўзининг маъноси “ёрмок”дир, “талфиқ” эса “йигмок”дир. Кўриниб турибдики, бу санъат турида жузвларни бир-биридан ажратиб, бошқа бирига улангани асосида янги бир байт ҳосил қилинади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, илми бадеъ қофия илми билан узвий боғлиқ, лафз гўзаллигини таъминлаш учун оҳангдошлиқ жуда муҳим. Шунинг учун ҳам мумтоз қофия назарияси “илми сегона”нинг барчасини чукур билишни тақозо қиласди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдуллоҳ ибн Мұтазз. Китоб ал-бадиъ / И.Ю.Крачковский. Избранные сочинения. Т.VI. – С. 179-257.
2. Атоуллоҳ Ҳусайнин. Бадойиъ ус-санойиъ (Форсчадан А.Рустамов таржимаси) –Т. 1981.
3. Абдураҳмон Жомий. Рисолаи қофияи Мулла Жомий. Калькутта, 1867. С.38
4. Воҳид Табризи. Джам и мухтасар. Критический текст, пер. И примеч. А. Е Бертельса. – М.: Наука, 1959. -С.158.
5. Мухаммад ибн Умур ар-Родиёний. Таржумон ул-балоға. Бо таснифи муқаддима ва зайлар ҳавоши ва тарожими аълом ба хомаи қавим. –Техрон, 1339.
6. Рашид ад-дин Ватват. Хада’ик ас-сехр фи дақа’ик аш-ши’р. Перевод с персидского и факсимиле. –М.: Наука, 1985.
7. Шамси Қайси Розий. Ал-Муъжам фи маъойири ашъору-л-ажам. - Душанбе: Адид, 1991. - Сах. 161.
8. Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуну-л-балоға. - Т.: Хазина, 1996. – Б. 210.



## **ЎЗБЕК АДАБИЁТИ РИВОЖИДА ТАШҚИ АНЬАНАЛАРНИНГ ЎРНИ.**

**Балтаева Икбал Таджибаевна**

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети  
“Ўзбек ва чет тиллари ”кафедраси доценти, филология фанлари номзоди,

**Олимова Мавжуда Келдиёровна**

Бухоро вилояти Фиждуон тумани 29-сонли мактабнинг  
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

**Аннотация:** ворисийликнинг давомийлигини адабий-ижодий анъаналар таъминлайди. Муайян тарихий даврда яратилиб, ҳам ўша давр кишилари томонидан тан олиниб, эътироф этилган ва кейинги замон адиллари

**МАЗМУНЫ  
І БӨЛІМ  
МАҚАЛАЛАР  
І СЕКЦИЯ  
ФОЛЬКЛОРТАНЫЎ**

Алламбергенов К., Алламбергенова Г. Историко-фольклорная типология родословной-генеалогии происхождения Едиге в каракалпакской и ногайской версиях дастана «Едиге».....	3
Юсупова Н.М., Юсупов А.Ф., Фольклорные образы-символы как основа матрицы символизации в татарской поэзии.....	10
Рогачев В.И., Мингазова Л.И. Ч. Айтматов: <u>мифологическая картина мира как фактор литературного развития читателя</u> .....	15
Корғанбеков Б.С., Габидуллина Ф.И., «Алпамыс батырдың» казак және карапалпақ нұсқалары.....	20
Валиева М.Р., Башкирские архетипы, мифонимы, мифологемы.....	27
Палымбетов К. С., Дастан, жырау, мастерство (на примере варианта в исполнении Есемуратом жырау каракалпакского народного дастана «Коблан»).....	31
Сабирова Н.Э., Хоразм халфачилик анъаналарининг тадрижий тараққиёти.....	36
Баўатдинова С.Ж., «Ақсұңгұл»дин халық қосығына айланыў тәрийпи.....	42
Әмирлан С. Е., Қарақалпақ балалар фольклорында сауықламалар...	46
Бекчанова С. Б., «Әдалатлы пәрман» нақлининг ғоявий бадиий хусусиятлари.....	51
Алламбергенова Н. Г., Барчин образининг қиёсий таҳлили («Алпомиши» достонининг ўзбек ва қорақалпоқ варианatlари асосида).....	54
Турганов Б. Қ. Қарақалпақ халық дәстанларында әскерий қурал-жарақ түрлеринин сәүлеленийи.....	59
Есебаев М. Халық дәстанларының тарихый дереклери, ғайры тәбиий образлардың дәстан сюжетинде көркем сәүлеленийи.....	64
Кеңесбаева Ш.К. «Шәрияр» дәстанының дөрелиў дәүири, генезиси ҳәм жанрлық өзгешеликleri ҳаққында.....	67

**II СЕКЦИЯ  
ӘДЕБИЯТТАНЫЎ**

Рақымжан Тұрысбек. Абай дүниетанымы: ұлттық мұрат пен мұдде(Хакім Абайдың «Қара сөздеріндегі» адам мұраты мен өмірлік ұстаным мәні) .....	71
Бекбергенова М. Д. К проблеме типологии каракалпакской прозы XX века.....	83
Каюмова Г.Ф. Мифологические образы в татарской детской	

литературе.....	88
Гайнуллина Г.Р. Трансформация философии смерти в военных рассказах Амирхана Еники.....	91
Гасимова Г.Н., Ф.И.Габидуллина. Экологический воспитательный потенциал романа Г. Баширова “Семь родников” (“Жидегэн Чишмә”)).....	95
Пертаева Э. К. Зар заман поэзиясының зерттелу тарихы.....	99
Пертаева Э. К. Абай дәүіріндегі қазақ сатиры.....	105
Наумова А. А., Ф.И. Габидуллина. Образ выдающихся личностей в современной татарской гражданской лирике.....	111
Бекбергенова З. У. Қарақалпақ романларының ғәрәзсизлик жылларында изертленийи (Күнделіккі газеталар мысалында) .....	115
Матякупов С. Г. Гулжамол Аскарова шериятида муножот.....	119
Ҳамроева О. Ж. Мұмтоз қофияга оид бадий санъаттар тадқиқи.....	123
Балтаева И.Т., Олимова М.К. Ўзбек адабиёти ривожида ташки анъаналарнинг ўрни.....	127
Сапаева Ф. Д. Шеърий таржимада радифни акс эттириш.....	132
Сапаева Ф. Д., Ережепова Д. Замонавий таълимда ўзбек тили дарсларида адабий ўқиши ташкил қилиш.....	136
Мамбетов К. П. Образ женщины в поэме «Тумарис» И. Юсупова .....	143
Алдашева Ш. Ж. Поэтик шакллар ранг- баранглиги.....	148
Мамбетназарова Р. К. Изучение трудов русских путешественников в научных исследованиях М.Нурмухамедова.....	153
Матимов К. Г. Қарақалпақ әдебиятында импровизация дәстүри.....	157
Ayimbetova Z.M. I.Yusupov liro-epikaliq poemalarini kompoziciyalıq ózgeshelikleri.....	160

### III СЕКЦИЯ ТИЛ БИЛИМИ

Raile Kashgari. O‘zbek tili ta’limida lotin yozuvli o‘zbek alifbosi bilan bog‘liq muammolar: Turkiya misolida tahlil va takliflar.....	165
Харисова А.М., Хайруллина А.М., Заимствованные слова и особенности их употребления в произведениях Г.Тукая.....	175
Пирниязова А.Қ., Қарақалпақ тили фразеографиясы мәселесине.....	179
Юлдашева Ш.Ш. Лингвистик шарҳ матн устида ишлашнинг муҳим босқичларидан бири сифатида.....	183
Маҳкамова Д.Н. Модернизациялашув лингвистик ҳодиса сифатида.....	197
Юсупова Б.Т. Қарақалпақ халық ертеклери тилиндеги фразеологизмлер.....	192
Юсупова Б.Т.Фольклор фразеологиясы: терме толғаўлар тилиндеги фразеологизмлер.....	195
Курбанов М. Д. Қарақалпақ тилиндеги антропонимлердин ойконимлерге өтийи мәселеси.....	198

Kdirbaeva G., Bekturdieva S., Agreement expressions in group discussion activities at listening and speaking classes.....	202
Турабаева Н.А., Кочкарова С.А. Окказионализмы в произведениях С.Щедрина.....	206
Турабаева Н.А., Абдиганиев Н.К. Прецедентные феномены каракалпакской культуры как составляющие языковой картины мира.....	210
Жалилов С., Шарипова Г. Давлат тили ҳақидағи қонун ва тил имкониятларидан фойдаланиш масаласига доир.....	214
Искендерова Е. К. Қарақалпақ дәстанлардағы «ат»зооними.....	218
Мамбетмуратова М. Т. Қарақалпақ лексикографиясындағы еки тиллик аўдарма сөзликлердин дүзилиү принциптери.....	223

#### IV СЕКЦИЯ

#### **ТҮРКИЙ ХАЛЫҚЛАР КОНТЕКСТИНДЕ ӘДЕБИЯТ ҲӘМ ФОЛЬКЛОР**

Қобланов Ж.Т. Фольклорлық мұралардағы мифтік негіздер.....	228
Тортқұлбаева.Т. Абай шығармашылығының қарақалпақ әдебиетімен байланысы.....	231
Амиркулова З. М. Отражение национального героического движения в изображении исторического образа «Нур курбашы» .....	237
Бауатдинова С. Ж., Халық шайыры А. Дабыловтың әдебий дәстүри.....	240
Ктайбекова З. К. Қарақалпақ гүрриндеринде метафора ҳәм символ.....	244

#### V СЕКЦИЯ

#### **ФИЛОЛОГИЯ ТАРАҰЫНДА ӘХМИЙЕТЛИ ИЗЕРТЛЕҮЛЕРДИ ОҚЫТЫУ ҲӘМ ҮЙРЕНИҮ МЕТОДИКАСЫ**

Кененбаев Е.Т. Кардинальные изменения функций письменной коммуникации с появлением интернета.....	249
БайқабыловУ.А. Қазақ тілін оқытуда заманауи технологиялардан пайдалану мүмкіндіктері.....	254
Халиуллина Я.Ф. А.С.Хайруллина. Использования игровых форм во внеклассных занятиях.....	258
Бекбергенова Н.Д. Әдебият сабағында заман инновацион технологиилардан пайдаланыу мәселелери.....	261